



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 5 ” may

Қ-400 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон тумани “Беш қахрамон” массиви
“Боғаро” маҳалласи худудидан “SURXON
SARBON” МЧЖга боғ барпо этиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/354-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 07 апрелдаги 109/01-36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қумқўрғон тумани “Беш қахрамон” массиви “Боғаро” маҳалласи худудидан “SURXON SARBON” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 528қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 39,5 балл бонитетли жами 1,70 гектар, шундан 1,50 суғориладиган экин ер, 0,10 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,10 гектар йўллар билан банд ер майдони боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида (10 йил муддатга) вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов